O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI INV.№
-202097

Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: Info@xs.uz • 2009 йил 27 январь, № 20 (4683) Сешанба

«АСР МЎЪЖИЗАСИ» ДАВОМ ЭТАДИ

Темир йўл алоқаларини ислоҳ қилиш, уни жаҳон талаблари даражасида ривожлантириш орқали мамлакатимизни темир йўл коммуникациялари билан тўлиқ таъминлаш мақсадида Президентимиз фармони билан 1994 йил "Ўзбекистон темир йўллари" давлат акциядорлик темир йўл компанияси ташкил этилган эди.



Темур ҚУРБОНБОЕВ олган сурат.

БУНЁДКОРЛИК

Айтиш керакки, катта умид билан ташкил этилган тизим ўзига билдирилган ишончни тўла оқламоқда. Хўш, бу қандай ютуқ ва кўрсаткичларда акс этади?

— Авваламбор, зиммамизга юклатилган улкан ва масъулиятли вазифаларни уддалай олганимизнинг ўзи катта муваффақият, — дейди "Ўзбекистон темир йўллари" ДАТК матбуот котиби Ҳайдарали Мамадалиев. — Юртбошимизнинг ғоялари ва ташаббуслари асосида, дастлаб "Учқудуқ-Мискин-Султон Увайстоғ" темир йўл қурилишини кўнгилдагидек якунлашга эришдик. Натижада умумий узунлиги 342 километрлик янги темир йўл мавжуд йўлларга туташтирилди. Ушбу пўлат излар шарофати туфайли 10 та янги темир йўл бекати қад кўтарди. Элликқалъа, Беруний, Тўрткўл туманларида ва Мискин бекатида шинам вокзаллар бунёд этилди. Минглаб янги иш ўринлари яратилди.

Кейинчалик Юртбошимизнинг бевосита раҳнамолигида 33 ойда, муддатидан икки йил олдин, халқаро экспертлар томонидан "Аср мўъжизаси" сифатида баҳоланган 223 километрлик "Тошгузар-Бойсун-Қумқўрғон" темир йўл линиясини фойдаланишга топширдик. Ушбу оламшумул қурилиш халқимиз ва давлатимиз куч-қудратини кўрсатиш асосида ўзбек темир йўлчиларининг касбий маҳорати, малакаси, ватанга садоқатининг исботи ҳам бўлди.

Ахир денгиз сатҳидан 1800 метр баландликда пўлат излар ётқизилиши, кўзни қамаштирадиган "Окработ" бекатининг барпо этилиши фавқулодда мўъжизавий ҳодиса эмасми! Бинобарин, қурилиш мобайнида умумий узунлиги 26,8 километрлик 564 та темир-бетон сув ўтказгич қувурлари, узунлиги 85 метрлик битта галерея, 524,4 метрлик 8 та йўл ўтказгич, 3,5 километрдан ошиқ ўртача баландлиги 8 қаватли уй билан баробар 43 та Марказий Осиёда муқобили бўлмаган кўприкларни, Тошгузар, Деҳқонобод, Дарбанд, Бойсун ва Қумқўрғонда 6 та янги станция, Деҳқонободда спорт мажмуасини, Дарбандда 216 ўринли муҳташам мактаб биносини бунёд этганимиз, йўловчилар учун барча қулайликлар муҳайё этилган 9 та бекатни ишга туширганимиз ҳали-ҳануз ҳаммамизни қувонтиради. Бу анъана бирибирига уланиб, бугун ҳам давом этмоқда.

Дарҳақиқат, "Ўзбекистон темир йўллари" давлат акциядорлик темир йўл компанияси тизимидаги янгиланишлар, амалга оширилаётган улкан ишлар истиқболимиз ва тараққиётимизга хизмат қилади. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 4 октябрдаги 458- қарорига мувофиқ, Япония ҳамкорлик банки ва Ўзбекистон Республикаси ҳукумати ўртасида "Тошгузар-Бойсун-Қумқўрғон" линиясида 5 та темир кўприк қурилишини кредитлаш шартномаси имзоланган эди. Ўтган йил охирида лойиҳалаштирилган кўприкларнинг иккинчи ва учинчиси қуриб бўлинди.

(Давоми 2-бетда).

МАМЛАКАТ бўйлаб

Воқеалар, янгиликлар, хабарлар

Халқаро Вестминстер университети нафақат мамлакатимиздаги, балки Марказий Осиё минтақасидаги кўзга кўринган олий ўқув юртларидан саналади.

Университет қошида академик лицей

Президентимиз ташаббуси билан ташкил этилган ушбу даргоҳни 2005 йилда 21 нафар талаба битирган бўлса, ҳозирда уларнинг сони 400 нафардан ошиб кетди.

Мазкур билим даргоҳида ўқиш истагида бўлганлар тобора кўпаймоқда. Шу боис ҳам янги ўқув йилидан бошлаб Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан университет қошида академик лицей очиладиган бўлди. Лицейга юртимиз мактабларининг 150 нафар битирувчиси танлов асосида қабул қилинади.

Илҳом ИСОМИДДИНОВ.

"Самарқанд бурғу асбоблари" очиқ турдаги ҳиссадорлик жамиятида асосан кон-металлургия саноати учун бурғулаш-пармалаш ускуналари тайёрланади.

Корхона имкониятлари ошмоқда

Бундай маҳсулотларга эса металлургия саноатида эҳтиёж катта. Шу боис корхона жамоаси мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланиш йўлида изланмоқда. Жамоа ўтган йили хорижий кон-металлургия, геология-қидирув экспедициялари учун салкам 200 минг АҚШ доллари миқдоридаги бурғулаш асбобларини етказиб берди.

Корхонада яқинда Самарқанд туманидаги "Стеклопластик" корхонаси билан ҳамкорликда халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш ҳам йўлга қўйилди.

Абдурасул САТТОРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Урганч шаҳрида Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси ҳамда Хоразм вилояти ҳокими ўринбосарлари, маънавий-маърифий ишлар бўйича ёрдамчилари, туман ва шаҳарлар ҳокимлари иштирокида минтақавий ўқув семинар давом этмоқда.

Раҳбар кадрлар ўқуви

Машғулотлар давра суҳбати ва очиқ мулоқот тарзида олиб борилмоқда. Тингловчилар Президентимиз Ислом Каримовнинг "Юксак маънавият — енгилмас куч" китобини чуқур ўрганиш, мамлакатимизни демократлаштириш ва модернизациялаш, фуқаролик жамияти барпо этиш, иқтисодиётни ислоҳ қилиш ҳамда барқарор ривожлантириш борасидаги устувор вазифалар, қишлоқ хўжалигидаги ислоҳотларнинг бориши, қишлоқ тараққиёти ва фаровонлигини оширишнинг муҳим йўналишлари, ижтимоий ва коммунал соҳалардаги ислоҳотлар каби ўнлаб долзарб масалалар бўйича фикр ва тажриба алмашмоқдалар.

(Давоми 2-бетда).

Танлов

Асака шаҳридаги "Дўстлик" маҳалла фуқаролар йиғини мамлакатимиздаги "Энг намунали маҳалла" деб эътироф этилди ва у компьютер жамланмаси билан тақдирланди.

ЭНГ НАМУНАЛИ МАҲАЛЛА

Манзурахон Жўраева етакчилик қилаётган мазкур маҳалла фаоллари, маслаҳатчилар маънавий-маърифий ишларнинг самарасига эътибор қаратмоқдалар. Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишга адолат мезони билан қаралаётир. Кам таъминланган оилалар қўллаб-қувватланмоқда. Бу каби саъй-ҳаракатлар ишсизлар, кам таъминланган оилалар сонининг кескин камайиши ҳамда ҳунармандлар, касаначилар сафининг кенгайиши имконини берди.

Ана шулар самараси ўлароқ, республика "Маҳалла" жамғармаси, Хотин-қизлар қўмитаси ва "Камолот" ЁИҲ ҳамкорлигида ўтказилган "Ёш оилаларни қўллаб-қувватлайдиган энг намунали маҳалла" кўрик-танловида "Дўстлик" ғолибликни эгаллади.

Одилжон ШОДМОНАЛИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Олий Мажлис Сенатида

ЮРИСТЛАР МАЛАКАСИНИ ОШИРИШГА БАҒИШЛАНДИ

Давлатимиз раҳбари Ислом Каримов раҳнамолигида суд-ҳуқуқ тизимини демократлаштириш, жиноят, жиноят-процессуал қонунчиликни либераллаштириш, инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари тўла ҳимоя қилинишини таъминловчи мустақил суд ҳокимиятини шакллантириш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар ўз самараларини бермоқда.

Жиноий жазо тизими ва суд ишларини юритиш босқичма-босқич либераллаштирилиб, шахсни жамиятдан ажратиб қўйиш билан боғлиқ бўлмаган жазо турларини тайинлаш имкониятлари кенгайтирилди. Умумий юрисдикция судларининг ихтисослаштирилиши одил судлов сифатини ошириш имконини берди. Ишларни кўриб чиқишнинг апелляция (шикоят) тартиби жорий этилиши суд процесси иштирокчиларининг ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоя қилинишида қўшимча кафолат бўлди.

Суд-ҳуқуқ ислоҳотлари соҳасида қабул қилинаётган янги қонунларнинг мазмунмоҳиятини тўғри англашда соҳа ходимларининг касб малакасини ошириш муҳим ўрин тутади.

Судьялик лавозимига тайинланиш учун захирага олинган номзодларни қайта тайёрлаш вазифаси Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қошидаги Юристлар малакасини ошириш марказига юклатилган. Марказдаги ўқув дастурлари машғулотлар давомида тингловчиларда назарий билим ва амалий кўникмаларни ҳосил қилишга қаратилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ва Олий суд ҳузуридаги Суд қонунчилигини демократлаштириш ва либераллаштириш ҳамда суд тизими мустақиллигини таъминлаш бўйича тадқиқот маркази ҳамкорлигида суд-ҳуқуқ ислоҳотларини ҳаётга татбиқ қилишда юристлар малакасини оширишнинг аҳамиятига бағишлаб ташкил этилган давра суҳбатида шу ҳақда гап борди.

Тадбирда суд ҳокимияти мустақиллигини мустаҳкамлаш ва суд-ҳуқуқ тизимидаги ислоҳотлар самарадорлигини ошириш борасидаги муҳим вазифаларининг ижросини таъминлашга бағишланган маърузалар тингланди ва муҳокама қилинди.

(ЎзА).

ҲЕЧ КИМДАН КАМ ЭМАСМИЗ!

Истиқлол йилларида дунё мамлакатлари билан иқтисодий алоқалар, халқаро муносабатлар борасида Ўзбекистоннинг қисқа давр оралиғида эришган ютуқларига ҳавас қилса арзийди. Муҳими, айни кунда юртимиз билан дўстона муносабатлар боғлаш тарафдори бўлган хорижий давлатлар, иқтисодий шериклиқдан манфаатдор чет эл компаниялари сафи тобора кенгайиб бораяпти.

Х. ПАЙДОЕВ олган сурат.

Албатта, бу борадаги муваффақиятларимиз салмоғини оширишда хорижий тилларни мукаммал биладиган, халқаро муносабатларни мустаҳкамлашга қодир кадрларнинг ҳам хизмати катта. Хусусан, 1992 йилнинг 23 августида Юртбошимиз фармонига биноан ташкил этилган Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетида айни кунда бакалаврлик йўналишида халқаро иқтисодий муносабатлар, халқаро ҳуқуқ ва халқаро муносабатлар мутахассисликлари бўйича кадрлар тайёрланаяпти. Шунингдек, магистратура босқичида жаҳон иқтисодиёти ва гиосиёсат, халқаро иқтисодий муносабатлар, дипломатлик ва консуллик хизмати сингари саккиз йўналиш бўйича ёшларга билим бериляпти.

Университетнинг малакали педагоглари орасида Япония, Корея, Хитой, Франция, Ҳиндистон, Италия, Германия, Миср мамлакатларидан келган малакали ўқитувчилар ҳам бор.

Ўқув жараёнида талабалардан ўзбек тилидан ташқари, камида икки хорижий тилни ўзлаштириш талаб этилади. Бунинг учун университетда инглиз, немис, француз, испан, италян, япон, корейс, араб, хитой тилларини ўқитиш имконияти яратилган.

Айни пайтда университет АҚШ, Россия, Хитой, Корея, Япония, Буюк Британия, Франция, Германия, Австрия, Литва сингари дунёнинг ривожланган мамлакатларидаги нуфузли 37 та олий таълим муассасалари билан ўзаро ҳамкорлик тўғрисида шартнома имзоланган. Шу асосда хорижий билим юртлари билан тажриба алмашиш, талабаларнинг хорижда ўқишларини қўллаб-қувватлаш имконияти яратиляпти.

Жорий йилнинг 22-23 январь кунлари Россия Федерацияси Президенти Дмитрий Медведев мамлакатимизга қилган расмий ташрифи доирасида ушбу университетнинг профессор-ўқитувчилари ва талабалари билан учрашиб, бу ерда яратилган шарт-шароит ва имкониятларга юксак баҳо берди. Жумладан, Д. Медведев "Буларни кўриб хулоса қилдимки, мамлакатда давлат раҳбари томонидан таълим соҳасига алоҳида эътибор қаратилмоқда" деб мамнуният билан таъкидлади учрашув чоғида.

Ифтихор

Дарҳақиқат, университетда интернет клуби, тест маркази, 3 та лингафон, 20 та компьютер хонаси, 8 та аудио-видео ҳамда 7 та мультимедиа синфлари талабалар ихтиёрида. Электрон кутубхонада 250 мингдан зиёд ўқув, илмий ва бадиий адабиётларнинг электрон нусхалари жамланган. Бу ердаги 165 ўринли 3 та ўқув зали талабаларга хизмат кўрсатяпти.

— Университетимизга Юртбошимиз ҳамроҳлигида Россия Федерацияси Президентининг ташрифи ҳамда у кишининг университетимиз фаолияти тўғрисидаги хулосаларидан мамнун бўлдик, — дейди университет халқаро бўлими бошлиғи Бахтиёр Тўраев. — Ўйлайманки, ушбу учрашув истиқболда икки давлат олий ўқув юртлари, жумладан, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетининг Россиядаги қатор олий таълим муассасалари билан ўрнатилган ҳамкорлик алоқаларини янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.

— Университетдаги таҳсил жараёнида инглиз, хитой тилларини мукаммал ўзлаштирдим, АҚШнинг Нью-Йорк шаҳрида ўтказилган БМТнинг ёш етакчилар саммитида иштирок этишга муваффақ бўлдим, — дейди университетнинг Халқаро муносабатлар факультети 4-босқич талабаси Аҳмед Теляев. — Бугун ишонч билан айта оламанки, бу ерда йўлга қўйилган таълим жараёни ривожланган давлатлардаги олий қув юртлари билан рақобатлаша олади. Муҳими, биз талабалар бундай имкониятлардан унумли ва тўғри фойдаланиб, келажакда Ўзбекистоннинг халқаро миқёсдаги нуфузини янада кўтаришимиз даркор. Зеро, давлатимиз раҳбари таъкидлаганларидек, биз ҳеч кимдан кам эмасмиз ва кам бўлмаймиз ҳам!

Ф. БЎТАЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Хабарингиз бор, 2009 йил 1 январда "Адвокатура институти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни матбуотда эълон қилинди ва шу кундан эътиборан кучга кирди.

ШАХС МАНФААТЛАРИ КАФОЛАТИ

Қонун кучга кирди

Шахснинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини бевосита ҳимоя қилиш вазифаси юклатилган адвокатура институтини янада ислоҳ қилиш мазкур ҳужжатнинг асосий мақсадидир. Ушбу мажмуа орқали Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал, Жиноят-ижроия, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексларига, "Адвокатура тўғрисида", "Адвокатлик фаолиятининг кафолатлари ва адвокатларнинг ижтимоий ҳимояси тўғрисида"ги қонунларига бир қатор ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди.

Хусусан, Жиноят кодексининг 240-моддаси иккинчи қисмига киритилган қўшимчага кўра, гувоҳ ўзига қарши кўрсатув беришни рад этганлиги учун жавобгарликка тортилмайди.

Жиноят-процессуал кодексининг "Айбланувчининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари" номли 46-моддасига киритилган қўшимчага биноан эса, эндиликда айбланувчи қамоққа олинганлиги ва турган жойи тўғрисида адвокатга ёки яқин қариндошига телефон орқали қўнғироқ қилиши ёхуд хабар бериши ҳамда сони ва давом этиш вақти чекланмаган ҳолда ҳимоячиси билан холи учрашиши мумкин. Шунингдек, у ўзига қўйилган айблов юзасидан кўрсатувлар беришдан бош тортиши, улардан жиноят ишига доир далиллар сифатида ўзига қарши фойдаланилиши мумкинлиги ҳақида воқиф этилиши каби ҳуқуқларга эга. Дастлабки тергов тамом бўлганидан сўнг жиноят иши материаллари ва ҳужжатларидан техника воситалари ёрдамида ўз ҳисобидан нусха олиш ёки улардаги маълумотларни ўзга шаклда қайд этиш ҳуқуқи кафолатланди. Мазкур кодекснинг 48-моддаси биринчи қисмига киритилган қўшимчага асосан, худди шундай ҳуқуққа гумон қилинувчи ҳам эга.

Ҳимоячи, яъни адвокатга жиноят процессининг ҳар қандай босқичида, шахс ушланганида эса унинг ҳаракатланиш эркинлиги чекланган пайтдан бошлаб ишда иштирок этишга рухсат берилади. У суриштирувчи, терговчи, прокурор қарори ёки суднинг ажрими билан тайинланади.

Ҳимоячи адвокатлик гувоҳномасини кўрсатганидан ва муайян ишни юритишга ваколатли эканлигини тасдиқловчи ордерни тақдим этганидан сўнг ишда иштирок этиш, далиллар сифатида фойдаланилиши мумкин бўлган маълумотларни тўплаш, тақдим этиш ҳамда ўз ҳимояси остидаги шахсга тааллуқли ҳуқуқларни таъминлаш ҳуқуқларига эга бўлади.

Жиноят-процессуал кодексига киритилган қўшимчага мувофиқ, гувоҳга адвокатнинг юридик ёрдамидан фойдаланиш ҳамда тергов ҳаракатларида адвокат билан бирга иштирок этиш, ўзига қарши кўрсатув бермаслик каби муҳим зарурий ҳуқуқлар берилди. Гувоҳ ва жабрланувчини сўроқ қилиш улар ўз адвокати билан ҳозир бўлган ҳолатларда амалга оширилади. Адвокат эса, ўз навбатида, гувоҳ ва жабрланувчининг ҳуқуқи ва қонуний манфаатлари бузилса, сўроқ баённомасида ўз арзларини баён этиши мумкин.

Ички ишлар органи ходими, мазкур Кодексга киритилган қўшимчага биноан, ушлаб турилган шахсга кўнғироқ қилиш ёхуд хабар бериш, ҳимоячига эга бўлиш имкониятини яратиши, кўрсатувлардан жиноят ишига доир далиллар сифатида ўзига қарши фойдаланилиши мумкинлигини айтиши шарт. Ушлаб турилган шахсга ҳимоячи билан илк холи учрашувга биринчи сўроққача рухсат берилиши қатъий белгилаб қўйилди. Ўз қариндошлари ва бошқа шахслар билан учрашувга эса ушлаб турилган шахслар сақланадиган жойнинг маъмурияти терговчи ёки суриштирувчининг ёзма рухсати асосида ижозат беради.

"Адвокатлик фаолиятининг кафолатлари ва адвокатларнинг ижтимоий ҳимояси тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 7-моддасида адвокатнинг муайян ишни ўрганишига тўсқинлик қилиш, адвокатга таҳдид этиш, уни ҳақоратлаш каби адвокатнинг профессионал фаолиятини бажаришга халақит қилганлик қонун ҳужжатларига биноан жавобгарликка сабаб бўлиши белгиланган. Зеро, ҳозирги кунга қадар адвокатлик фаолиятини амалга оширишга ёки адвокатларнинг ўз ҳуқуқларини амалга оширишларига тўсқинлик қилганлик учун қонун ҳужжатларида жавобгарлик назарда тутилмаган эди. Шу сабабли Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс "Адвокатнинг профессионал фаолиятига тўсқинлик қилиш" номли 197^1-модда билан тўлдирилди.

Қонуннинг 4-моддаси билан "Адвокатура тўғрисида"ги Қонунга ҳам бир қатор ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. Жумладан, ушбу Қонуннинг "Адвокат" номли 3-моддасига қўшимча киритилиб, адвокат илмий ва педагогик фаолиятдан, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатасидаги ва унинг ҳудудий бошқармаларидаги фаолиятдан ташқари, ҳақ тўланадиган бошқа турдаги фаолият билан шуғулланишга ҳақли эмаслиги қатъий белгилаб қўйилди.

Қонундаги энг муҳим янгиликлардан бири унга "адвокатнинг стажёри" институти киритилганидир. Шу муносабат билан Қонунга "Адвокатнинг стажёри" номли 8^1-модда киритилди. Унга кўра, камида уч йиллик иш стажига эга бўлган адвокат стажёр ёллашга ҳақлидир.

Олий юридик маълумотга эга бўлган шахс адвокатнинг стажёри бўлиши мумкин. Адвокатнинг стажёри ўз фаолиятини адвокат раҳбарлигида, унинг алоҳида топшириқларини бажарган ҳолда адвокатлик тузилмасида амалга оширади. Айни пайтда стажёр адвокатлик фаолияти билан мустақил равишда шуғулланишга ҳақли эмас.

Шунингдек, Жиноят-процессуал кодексининг 243-моддасига мувофиқлаштириш мақсадида "Адвокатнинг дахлсизлиги" номли 6-моддага қўшимча киритилиб, адвокатга нисбатан қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чораси Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори, Қорақалпоғистон Республикаси прокурори, вилоят прокурорлари, Тошкент шаҳар прокурори ва уларга тенглаштирилган прокурорларнинг илтимосномасига кўра, жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) суди томонидан қўлланилиши мумкинлиги мустаҳкамлаб қўйилди.

Қисқа қилиб айтганда, мазкур Қонун мамлакатимизда суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ этишнинг ҳозирги босқичида адвокатура институтини янада эркинлаштириш, адвокат фаолиятини такомиллаштириш, шунингдек, жамиятда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш жараёнида адвокатуранинг ўрни ва таъсирини кучайтиришга хизмат қилади.

Нодир МУХТОРОВ,
ҳуқуқшунос.

ФАРОВОНЛИК КЎЗГУСИ

Ким нима деса десину, лекин менинг назаримда, халқнинг турмуш даражасини, ҳаёт тарзини билиш учун ортиқча рақамларга ҳам, узундан узоқ статистик маълумотларга ҳам ҳожат йўқ. Бир қарашда тасаввур қилиш мумкин: юртимизнинг қай бир ҳудуди бўлмасин, у шаҳардами ёки олис қишлоқдами, бунёдкорлик, қурилиш ва ободонлаштириш ишлари жадал давом эттирилмоқда.

Дил сўзи

Телевидение, газета ва радиода берилаётган ахборотларни кузатиб бораётган бўлсангиз, албатта, хабардорсиз. Айни пайтда иқтисодий инқироз кўплаб давлатларни қийин аҳволга солиб қўйди. Бу муаммодан чиқиб кетиш учун жаҳондаги кўзга кўринган компаниялар, корхоналар иш ўринлари сонини қисқартиришга мажбур бўлишаяпти. Яъни шу орқали катта миқдорда маблағ тежаб қолинаяпти. Аммо қанчадан-қанча кишининг ишсиз қолаётгани-чи? Мен шуларни ўйлаганда, Президентимизнинг оқилона сиёсати туфайли дунёдаги мана шундай танг бир вазиятда ҳам мамлакатимизда иқтисодий барқарорлик сақланиб тургани кўз олдимга келади. Янгидан янги корхоналар фаолият кўрсата бошлаётгани, уларда кўплаб иш ўринлари яратилаётганидан қувонаман. Қурилиш соҳасининг бир вакили сифатида мана шу жиҳатларни айнан фаровонликнинг бир белгиси деб биламан.

Мен бир қишлоқ ўқитувчисининг фарзандиман. Бундан ўн бир йил аввал оддий қурилиш-таъмирлаш корхонаси сифатида фаолият бошлаган жамоамиз бугун амалга оширилаётган ишлар кўлами, ҳажми жиҳатидан йирик трест, корпорациялар даражасига кўтарилди. 2008 йилда эса, юртимиздаги қурилиш билан шуғулланаётган очиқ турдаги акциядорлик жамиятлари орасида ўтказилган республика танловида ғолиб деб топилди.

Жамоамиз томонидан бажарилаётган бунёдкорлик ишлари вилоятнинг барча шаҳар ва туманларида кўзга ташланиб турибди. Фақат ўтган йилнинг ўзида «Ёшлар йили» Давлат дастури доирасида Фарғона шаҳрида етти қаватли тураржой биноси қуриб битказилди. Тошкент ахборот технологиялари университетининг Фарғона филиали ўқув биносидаги қурилиш ишлари, Қўқон деҳқон бозорини қайта қуриш ҳам жамоамизга ишониб топширилган. Олтиариқ, Охунбобоев, Кува, Фурқат туманларида қад ростлаган мактабларда эса ўқувчилар яйраб билим олишмоқда.

Биз бундай ютуқларга биринчи навбатда, мамлакатимиздаги ички хом ашё ресурсларидан фойдаланишга асосий эътиборни қаратаётганимиз, яъни Маҳаллийлаштириш дастурига қатъий амал қилаётганимиз туфайли эришмоқдамиз. Айни пайтда колоннамиз таркибида темир-бетон конструкциялари, ғишт, оҳак, алебастр, эшик-ром тайёрлаш, ишлаб чиқариш цехлари фаолият кўрсатмоқда. Яқинда Хитой технологияси асосида ихчам, чиройли зичланган эшиклар, дераза ромлари тайёрлайдиган, уларга пардоз берадиган цех иш бошлади. Шу ерда алюмин мосламалар тайёрлаш ҳам йўлга қўйилди. Булар орқали янги иш ўринлари вужудга келди.

Шунингдек, колоннамиз таркибида 90 дан ортиқ қурилиш техникаси ва автотранспортни бирлаштирган автокорхона, қурилиш объектларини лойиҳалаштириш гуруҳлари ҳам фаолият кўрсатаяпти. Буларнинг барчаси юртимизда тадбиркорларга, ишбилармонларга яратиб берилган шарт-шароит ва кўрсатилаётган эътиборнинг амалдаги самараси, деб биламан.

Айтиш жоизки, поёнига етган 2008 йил мен учун бир умрга эсда қоладиган бўлди. Мустақиллигимизнинг 17 йиллиги арафасида Юртбошимиз Фармонига асосан «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган қурувчи» деган юксак унвонга сазовор бўлдим. Бу жамоамизга кўрсатилган эътибор ва ғамхўрлик, деб биламан. Бундан буён зиммамиздаги масъулият янада ошди. Ниятимиз мамлакатимизда олиб борилаётган бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишларида янада фаолроқ бўлиш, Ўзбекистонимизнинг гуллаб-яшнашига муносиб ҳисса қўшишдан иборат.

Раҳматжон ЭРКАБОЕВ,
Олтиариқ туманидаги 1-кўчма механизациялашган колонна бошлиғи, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган қурувчи.

Қисқа сатрларда

Маҳсулот арзонлашади

Жорий йилда четдан "Навоийазот" очиқ акциядорлик жамияти 205 бош, "Навоийдон маҳсулотлари" АЖ 30 бош, "Қизилтепа ун заводи" АЖ 20 бош, "Ванғози агро экспорт" МЧЖ ўн бош сермаҳсул қорамол олиб келтирди.

Бу борада Навоий конметаллургия комбинати томонидан ҳам ибратли ишлар қилинмоқда. Корхона Украина давлати билан 200 бош наслли мол харид қилишни режалаштирмоқда.

2009 йил давомида вилоятга хориждан келтириладиган зотли қорамоллар минг бошдан ошади. Олиб борилаётган бу самарали ишлар аҳолини арзон ва сифатли сут ва сут маҳсулотлари билан таъминлаш имконини беради.

Э. ҲАМДАМОВ.

Муносиб баҳо

"Тошкент-Жанубий" аэродроми Ўзбекистон Республикаси Парвозларни назорат қилиш давлат нозирлиги текширувидан муваффақиятли ўтиб, сертификат олди.

Эндиликда аэродромлар фаолиятини назорат қилиш ташкилотининг мамлакатимиз ҳудудида бўлиши меъёрий-ҳуқуқий бошқаришда кўплаб ноқулайликларга барҳам беради. Шунингдек, бу янгилик иқтисодий жиҳатдан ҳам манфаатлидир.

Илгари "Тошкент-Жанубий" аэродроми тоифалаштирилган иншоот сифатида Халқаро авиация қўмитасининг сертификациясидан ўтказилган эди.

Ф. ҚУРБОНОВА.

Ёшлар маркази

Марғилон шаҳридаги "Ғўраввал" маҳалла фуқаролар йиғинида ёшлар учун янги замонавий ўқув маркази ишга туширилди.

Японияннинг юртимиздаги элчихонаси билан ҳамкорликда ташкил этилган "Зиёзиёд" номли мазкур ўқув маркази кунчиқар мамлакатнинг кичик ижтимоий лойиҳаларга беғараз кўмак дастурига мувофиқ ташкил этилди.

Марказ тикув машинаси, компьютер сингари зарур асбоб-ускуналар билан таъминланган. Бу ерда ёшлар пазандалик, тикиш-бичиш, ҳамширалик, компьютер саводхонлиги, сартарошлик сингари йўналишларда малакали мутахассислар қўлида ҳунар сирларини ўрганишлари мумкин.

М. МАҲМУДОВ.

«АСР МЎЪЖИЗАСИ» ДАВОМ ЭТАДИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Уларнинг узунлиги 567 метрни ташкил этади. Денгиз сатҳидан, хусусан, иккинчи кўприкники 1302 метр, учинчи кўприкники 1341 метр баландликдадир.

Умуман жами қурилаётган кўприкларнинг узунлиги 1185 метрга етади. Эътиборлиси, 31 та тўсин, 41 та мураккаб устун кўприклар қиёфасини белгилаб беради. Кўприклар Японияннинг JTC қўшма компанияси томонидан лойиҳалаштирилган бўлиб, қурилиш ишлари "Ишимидзу-НИППОН-СТИЛЛ инжиниринг Йокогава" қўшма корхонаси ва "Ўзбекистон темир йўллари" ДАТК ҳамкорлигида амалга оширилмоқда.

Ушбу кўприклар Ҳамдўстлик давлатлари темир йўл тизимида барпо этилаётган кўприклардан замонавийлиги, юқори ҳароратли иссиқ ва совуқ иқлимга чидамлилиги, конструкцияларининг нодирлиги билан ажралиб туради. Қувончлиси, қиймати 17,1 миллион АҚШ долларига тенг иккинчи ва учинчи кўприкларда янги йил арафасида поездлар қатновни бошланди. Қолган учта кўприк қурилиши тасдиқланган иш режасига кўра жорий йилда тамомила қуриб битказилади. Таъкидлаш лозимки, япон ва ўзбек кўприк-созларининг дўстона ва ишчан муносабатлари ана шу жараёнда янги босқичга кўтарилмоқда. Ўзаро тажриба мактаби шаклланмоқда. Келгусидаги лойиҳалар бўйича ҳамкорлик қилишнинг мустаҳкам мезонлари аниқлаб олинмоқда.

Шунингдек, истиқлол мўъжизалари яралишида "Ўзоғирсаноатлойиҳа" ОАЖ, "Бошторанслойиҳа" ОАЖ, "Тоштемирлойиҳа" ОАЖ ҳамда Ўзбекистон Республикаси Архитектура ва қурилиш бўйича давлат қўмитаси мутахассислари ҳам ўз истеъдодларини, малакаларини яққол намойиш этдилар, ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшдилар.

Бунёдкор темир йўлчилар пойтахтимизнинг 2200 йиллигига тайёргарлик кўриш ишларида ҳам фаол иштирок этмоқдалар. Жумладан, Тошкент шаҳрининг Миробод тумани Мирсодиқов кўчасининг марказий вокзал темир йўл кўприги ҳамда автомобиль ва трамвай йўллари компаниясининг "Кўприкқурилиш" трестига қарашли 13-кўприк қуриш отряди томонидан юксак савияда қайтадан қуриб берилди. Баландлиги 5 метр бўлган ушбу кўприкнинг узунлиги 19 метрдан 23,6 метргача кенгайтирилди. Унинг остидан ўтган автомобиль йўли олдингисидан 9 метрга узайтирилиб, эни 22 метрга келтирилди. Мустаҳкам кўприк остида кенг ва равон йўл барпо этилиб, трамвай йўли такомиллаштирилди, унинг ён-вери кўкаламзорлаштирилди.

Дарвоқе, Тошкент аэропортига туташ Бобур кўчасидаги кўприкни таъмирлаб, унинг такрорланмас қиёфасини заргарона маҳорат билан яратганлар ҳам — темир йўлчи қурувчилардир. Бу кўприкни пойтахтликлар ҳам, узоқ-яқиндан келаётган меҳмонлар ҳам яхши билишади. Кўприк мажозий маънода ватанимиз пойтахти Тошкентга ташриф буюраётганларни, иш ва саёҳат юзасидан келаётганларни шаҳри азимга бошлаб киради. Унинг ана шундай чуқур мазмунини англаган кўприксозлар бамисли янги, маҳобатли кўприк бунёд этишди десак тўғри бўлади. Агар илгари унинг эни 16 метрни ташкил қилганини, капитал таъмирдан сўнг 25,3 метрга етказилганини, кўприкни мустаҳкамлаш мақсадида 27 та оралиқ устун тикланганини, 28 та махсус тўсин қўйилганини айтсак, иш қамрови нақадар кенг бўлганлигини тасаввур қиламиз.

Хуллас, "Ўзбекистон темир йўллари" давлат акциядорлик темир йўл компанияси тизимидаги ишчи ва хизматчилар, мутахассислар, қурувчилар юртимиз ривожи, халқимиз фаровонлиги йўлида астойдил бел боғлаганларига шак-шубҳа йўқ.

Вақт югурик, уни асло тизгинлаб бўлмайди, дейишади. Аммо темир йўлчиларимизнинг ғайрат-шижоатига шитоб билан елиб бораётган вақт ҳам тан бергандай, истиқлолимизнинг асрларга татигулик мўъжизаларининг навбатдагисини бунёд этаётган мард, юртга эътиқодли лафзи халоллар билан бирга басма-бас одимлаётгандай туюлади, назаримизда.

Абдували ҚУТБИДДИНОВ,
«Халқ сўзи» шарҳловчиси.

РАҲБАР КАДРЛАР ЎҚУВИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Семинар дастури бўйича қатнашчиларга давлатимиз раҳбарининг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 16 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги «Ватанимизнинг босқичма-босқич ва барқарор ривожланишини таъминлаш — бизнинг олий мақсадимиз» маърузасининг видеотасвири намойиш этилди. Олий ўқув юртлари профессор-ўқитувчилари мазкур маърузанинг мазмун-моҳияти, унда белгиланган йўналиш ҳамда вазифаларнинг бажарилиши мамлакатимиз тараққиётида муҳим аҳамиятга эга бўлиб, ҳар бир юртдошимиз ҳаётига дахлдор эканини алоҳида таъкидладилар.

Муҳокама этилаётган ҳар бир масала юзасидан баҳс-мунозаралар ўтказилиб, тингловчиларнинг билими тест синовлари орқали баҳоланмоқда.

Ш. ХУДОЙБЕРГАНОВ,
ЎзА мухбири.

ИМКОНИЯТ УЧУН ЗАМИН

Президентимизнинг "Озиқ-овқат экинлари экиладиган майдонларни оптималлаштириш ва уларни етиштиришни кўпайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонида бошоқли дон экинлари учун мўлжалланган майдонларни кўпайтириш, шунингдек, сабзавот, мойли ўсимликлар ва бошқа озиқ-овқат экинлари экиладиган ерларни янада кенгайтириш юзасидан кўзда тутилган вазифалар фермер хўжаликлари учун янги имкониятлар эшигини очди. Буни, жумладан, Уйчи тумани аграр соҳаси меҳнатчилари фаолиятида ҳам кузатиш мумкин.

Фармон ва ижро

— Очиғини айтганда, яқин пайтларгача эътиборни асосан пахтага қаратиб келдик, — дейди фермер Бадриддин Тожибоев. — Экин майдонларини оптималлаштириш масаласи кўтарилгани айни муддао бўлди, зироатнинг бошқа турлари, яъни, сабзавот ва полиз, чорва учун озуқа етиштиришнинг кўпайиши анчадан буён ўйлаб юрган режаларимиз рўёбига йўл очади. Айниқса, озуқа майдонларимиз кенгайгани яхши бўлди. Ахир, бир товуққа ҳам сув, ҳам дон, дегандай чорва ем-хашаги билан чорвада.

"Ҳожималла" фермер хўжалиги раҳбари Б. Тожибоевнинг қувончи чексиз. Боиси, оптималлаштириш тадбирлари амалга оширилгандан сўнг деҳқончилик қиладиган майдонлари 41 гектарга кўпайиб, 186 гектарга етди. Бу ўринда чорвачилик фермасида юз бошдан ортиқ қорамол парваришланаётганлиги, салмоқли миқдорда сут ва гўшт маҳсулотлари етказиб бераётганлиги инобатга олинди. Яна бир жиҳати, фермер иккита ҳайдов, тўртта чопиқ тракторини зарур пайтда далага олиб кириб, ҳар бир агротехник тадбирни ўз вақтида амалга оширишнинг уддасидан чиқади. Ишчи кучлари ҳам етарли. 36 гектар майдонга озуқа экинлари жойлаштиришни кўзлаб турган фермер баҳорга чиқиб чорва моллари бош сонини яна 30 тага кўпайтириш ҳаракатида. Ғаллазорига 15 гектар қўшилгани эса даромадни кўпайтириш билан бирга ишловчилар омборига кўпроқ буғдой кириб боришига замин яратади.

Фармон ижросининг бошланғич босқичи жараёнида амалга оширилган тадбирлардан сўнг тумандаги фермер хўжаликлари тажриба ва имкониятларига қараб анча йириклаштирилди. Бунга қадар 10-15 гектаргина экинзори, бироқ, на техника, на ишчи кучи етарли бўлмаганидан амал-тақал деҳқончилик қилиб келаётган фермерлар ҳам анчагина бор эди. Улар бошқараётган истиқболсиз хўжаликларнинг экин майдонлари йириклаштирилган хўжаликлар ихтиёрига ўтказилди. Айни чоғда, туман бўйича фермер хўжаликларининг ўртача ер майдони 62 гектарга тўғри келяпти. Айтиш мумкинки, бу миқдордаги экинзорда деҳқончилик қилиш билан кутилган самарага эришиш мумкин.

— Замин неъматларининг ўзимизда етиштирилиши, табиийки, аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини тўлароқ қондиришга имконият яратади, — дейди туман ҳокимининг ўринбосари Муҳаммаджон Каримов. — Масалан, баҳорги сабзавот майдонларининг ўзи 120 гектарга етди. Ундан олинадиган 2400 тонна ҳосил халқимиз дастурхонини дармондорига бой неъматлар билан тўлдиради. Ёки озуқа майдонларининг кенгайиши чорвачилик ривожига пухта замин яратади. Ихтисослашган фермер хўжаликлари ҳозирданоқ қорамоллар бош сонини кўпайтиришга киришди. Туманимизда қорамоллар 1546, қўй-эчкилар 1334 бошга кўпайибди.

Кўриниб турибдики, аграр соҳадаги ислоҳотлар жадаллашувида янги босқични бошлаб берган экин майдонларини оптималлаштириш тадбирлари, энг аввало, бугун қишлоқда иқтисодиётнинг устунига айланган фермер ўз иқтидор ва имкониятларини янада кенгроқ намойиш қилиши учун мустаҳкам замин яратади.

Кудратилла НАЖМИДДИНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2009 йил 27 январдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:)*

1 Австралия доллари	916,64
1 Англия фунт стерлинги	2152,88
1 Дания кронаси	243,06
1 БАА дирҳами	381,29
1 АҚШ доллари	1400,52
1 Миср фунти	252,71
1 Исландия кронаси	11,33
1 Канада доллари	1136,51
1 Хитой юани	204,78
1 Малайзия ринггити	386,56
1 Польша злотийси	411,37
1 СДР	2083,76
1 Туркия лираси	839,39
1 Швейцария франки	1205,47
1 ЕВРО	1968,43
10 Жанубий Корея вони	10,07
10 Япония иенаси	157,03
1 Россия рубли	42,58
1 Украина гривнаси	181,89

**) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.*

ЖАҲОН 24 соат ичида

Табиий офат келтирган зарар

Европанинг бир қатор давлатларида қузатилган кучли бўрон кўплаб талафотларга сабаб бўлган. Бу ҳақда "France Presse" ахборот агентлиги хабар тарқатди.

Табиий офатдан, айниқса, Франция, Испания ва Италия жанубидаги Салерно ва Реджо-ди-Калабрия шаҳарлари жиддий зарар кўрган. 24 киши ҳаётдан кўз юмган.

Шу ўринда таъкидлаш жоиз, одатда, Италиянинг жанубий қисми ана шундай табиий офатлардан энг кўп талафот кўради. Жумладан, 1999 йилда бу ерда юз берган бўрон оқибатида 88 киши ҳалок бўлганди.

Қарор маъқулланди

"Reuters" ахборот агентлигининг хабар беришича, Европа Иттифоқига (ЕИ) аъзо давлатлардан бир нечтаси АҚШнинг янги президенти — Барак Обаманинг Гуантанамо қамоқхонасини ёпиш борасидаги қарорини қўллаб-қувватлашини билдирган.

Бундан ташқари, ташкилот АҚШга бу масалада ёрдам беришга тайёр эканлигини ҳам маълум қилган.

— Биз АҚШнинг бу қароридан мамнунмиз. Гуантанамо ёпилишини катта воқеа деб биламиз, — дея айтиб ўтди Финляндия ташқи ишлар вазири Александер Стубб ЕИ аъзо давлатларининг ташқи ишлар вазирлари учрашувида.

Бино қулаб тушди

Каталониянинг унча катта бўлмаган Сант-Бои дель Лобрегат шаҳрида спорт зали қулаб тушди, дейилади маҳаллий "El Mundo" нашри ахборотида.

Маълумотларга кўра, бахтсиз ҳодиса юз берган вақтда бинода 20 га яқин киши бўлган. Фалокат оқибатида тўрт нафар бола ҳалок бўлган, яна бир неча одам турли даражада тан жароҳати олган. Спорт залининг қулаб тушишига кучли эсган шамол сабаб бўлгани айтилмоқда.

Воқеа жойида қутқарув ишлари олиб борилмоқда.

Иш ўринлари қисқартирилади

Электроника ва уй-рўзғор буюмлари ишлаб чиқарувчи Голландиянинг "Philips" компанияси иш ўринларини қисқартиришга қарор қилган.

"Sky News"нинг хабарига қараганда, корхона олти минг нафар ходими билан тузилган меҳнат шартномасини бекор қилишни режалаштирмоқда. "Philips"нинг бундай йўл тутишига сўнгги пайтларда даромаднинг камайиб кетгани сабаб қилиб кўрсатилмоқда.

Маълумотларда келтирилишича, корхонанинг сўнгги уч ойда кўрган зарар миқдори 1,4 миллиард еврога етган.

«Оскар» номзодлари

Америка миллий киноакадемиясининг анъанавий «Оскар» киномукофотига даъвогарлар рўйхати эълон қилинди.

Унга кўра, «Энг яхши фильм» номинациясига «Сўз устаси», «Бенжамин Баттоннинг жумбоқли тарихи», «Фрост Никсонга қарши», «Харви Милк» ва «Хилватдаги миллионер» фильмлари номзод сифатида кўрсатилган. «Энг яхши актёр» учун топшириладиган совринга Фрэнк Лангелла, Брэд Питт, Ричард Женкинс, Шон Пенн ва Микки Рурклар даъвогарлик қилишмоқда. «Энг яхши актриса» йўналишида Кейт Уинслет, Мерил Стрип, Энн Хатэуэй, Анжелина Жоли ва Мелиссе Лео каби актрисалардан бири тақдирланади. Бундан ташқари, "Иккинчи пландаги энг яхши актёр", "Иккинчи пландаги энг яхши актриса", "Энг яхши режиссёрлик иши", "Энг яхши монтаж", "Энг яхши мультипликацион фильм", "Энг яхши махсус эффектлар", "Фильм учун энг яхши мусиқа", "Энг яхши хориж фильми", "Энг оригинал сценарий", "Энг яхши хужжатли фильм" каби йўналишларда ҳам ғолиблар аниқланади.

Совриндорлар номи жорий йилнинг 22 февраль куни Лас-Вегас шаҳридаги "Кодак" кинотеатрида бўлиб ўтадиган тантанали маросимда маълум қилинади.

Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

ТАРАҚҚИЁТНИНГ СИРИ

— Ҳурматли таҳририят, "Халқ сўзи" газетасида Хитой иқтисодий жиҳатдан Германияни ортда қолдириб, дунёда учинчи ўринга кўтарилиб олгани ҳақида ўқиб қолдим. Бундай натижаларга қандай эришилгани тўғрисида маълумот берсангиз.

Акмал ҚОСИМОВ.
Уйчи тумани.

Мутахассисларнинг янги аср илк чорагидаёқ жаҳон иқтисодий-молиявий муносабатларининг асосий қисми Трансатлантикадан Осиё-Тинч океани минтақасига кўчиб ўтади, унда жуда тез суръатлар билан ривожланиб бораётган, беҳисоб инсон ресурсларига эга Хитой Халқ Республикаси алоҳида ўринга эга бўлади, деган башоратлари бугун ўзини оқлаяпти.

Пекин бундан қарийб ўттиз йил аввал иқтисодиётни бошқаришнинг мутлақ коммунистик тамойилларидан воз кечиб, секин-аста бозор иқтисодиёти дастакларини қўллай бошлади. Шу даврдан буён Хитойнинг ялпи миллий маҳсулоти ҳажми йилига ўртача тўққиз фоиз атрофида ўсиб келмоқда. 1978 йилдан бошланган иқтисодиётни либераллаштириш сиёсати натижасида мамлакатнинг ялпи миллий маҳсулоти 70 маротаба ўсди ва 2005 йилга келиб Буюк Британия ҳамда Франция каби саноатлашган давлатларни ортда қолдирди.

Осмон ости мамлакати бу муваффақиятлари билан XX асрнинг 50-60 йилларидаги Япония муваффақияти, Осиё "аждаҳо"ларининг 70-йиллардаги мисли кўрилмаган ютуқларини ёдга солади. Эксперт-ларнинг фикрича, бунга аввало, халқ хўжалиги маҳсулотларининг экспортга йўналтирилган стратегияси, қолаверса, банк тизими маблағларининг давлатнинг иккинчи бюджети сифатида фойдаланиш имконини берган молиявий кредит сиёсати, шунингдек Гуандун, Фуцзянь, Шанхай, Чанцзянь, Гуанчжоу каби иқтисодий туманларга эркин иқтисодий ҳудуд мақоминиг берилиши орқали эришилган.

Бу сиёсат, ўз навбатида, хорижий капиталларнинг оқиб келиши, ташқи савдо ва халқаро иқтисодий алоқаларнинг ривожланишига ҳам имкон яратди, дейиш мумкин. 2005 йилга келиб, Хитой хориждан тўғридан-тўғри инвестициялар жалб этиш ҳажми бўйича дунёда учинчи ва ривожланаётган мамлакатлар орасида биринчи ўринга чиқиб олди. Масалан, 1990 йилда фойдаланилган чет эл капиталини 2005 йилдаги билан таққослаганда 10,3 миллиард АҚШ долларидан 63,8 миллиард долларигача кўпайганини кўриш мумкин. Ҳозирга келиб мамлакатнинг жаҳон савдосидаги улуши 4,6 фоиздан 9,4 фоизга етган. Бу қадар улкан ютуқлар Хитойнинг молиявий аҳволини мустаҳкамлабгина қолмай, маҳаллий тадбиркорлик тузилмаларининг хориждаги фаолиятини кенгайтиришга ҳам имкон бераяпти.

Яқинда жаҳон оммавий ахборот воситаларида тарқатилган хабарлар экспертларнинг жаҳон иқтисодий маконида янги куч пайдо бўлгани хусусидаги иддаоларини тасдиқлади. Хитой миллий статистика бюроси маълумотларига кўра, 2007 йилги иқтисодий ўсиш олдин айтилганидек, 11,9 эмас, балки 13 фоизга тенг экан. Шундай қилиб

Шарҳ

Осиёнинг бу мамлакати Германияни ҳам ортда қолдириб, кучли учлик сафидан ўрин олишга муваффақ бўлди.

"Goldman Sachs" корпорацияси тахминларига қараганда, 2040 йилга бориб Хитой АҚШни ҳам қувиб ўтиб энг кучли иқтисодиётга эга мамлакатга айланади. Бошқа бир таҳлилий компания эса 2017 йилга бориб имконияти бўйича унинг ҳатто АҚШдан ўзиб кетишини ҳам башорат қилмоқда.

Таъкидлаш жоизки, жаҳонда қузатилаётган молиявий инқироз Хитой учун ҳам жиддий синов вазифасини ўтаяпти. Мамлакат бош божхона бошқармасининг маълумотларига қараганда, 2008 йилнинг ноябрида экспорт ҳажми аввалги йилнинг шу давридагига қараганда 2,2, декабрида эса 2,8 фоиз қисқарди. Кузнинг сўнгги ойи, шунингдек, бир қатор иқтисодий кўрсаткичларга кўра мамлакатда муайян тушкунлик қайд этилди. Айниқса, иқтисодий тангликнинг маркази ҳисобланган АҚШнинг Хитойга кўрсатган таъсири кучли бўлди.

Ислоҳотлар муваффақияти натижасида Хитойнинг олтин валюта захиралари миқдори 1 трлн. 900 млн. АҚШ долларига етди. Шу боис бу йил ҳам ялпи миллий маҳсулотнинг ўсиш ҳажми 6-9 фоиз атрофида бўлиши эҳтимолдан узоқ эмас.

Умуман, жаҳон ҳамжамияти давлатлари иқтисодиёти бир-бирига боғланиб кетган, табиийки, бир минтақадаги ўсиш ёки пасайиш бошқа жойда ўз таъсирини кўрсатади. Шундан келиб чиқиб айтадиган бўлсак, Хитой иқтисодий кўрсаткичларининг пасайиши АҚШда ҳам акс-садо бериши муқаррар. Мабодо, Хитой иқтисодиётидаги секинлашиш аломатлари кучайиб борса, у ҳолда Пекин Американинг давлат облигацияларини сотиб олишга камроқ пул ажратади. Вашингтон ўз бюджетидаги 1 трлн. доллар миқдоридаги тақчилликни бартараф этиш учун облигацияларини сотишга мажбур. Таъкидлаш керакки, Пекин хорижий валютада сақлаётган 1,9 трлн. долларлик захираларнинг тахминан 1 трлн.долларини АҚШнинг қарз мажбуриятлари ташкил этади. Шу нуқтаи назардан таниқли сиёсатшунос Збигнев Бжезинскийнинг АҚШ ва Хитой ўртасида маслаҳатлашув клуби, яъни G2 гуруҳини ташкил этиш таклифини илгари суриши бежиз эмаслиги аён бўлади.

Эътибор беринг, бундан тахминан ўн йиллар аввал Хитойга кўпчилик Шарқий Осиёдаги минтақавий интеграцияга тўсиқ бўлаётган авторитар давлат сифатида қарарди. Бугун вазият тамоман ўзгарган. Хитой ҳозир минтақа интеграциясининг асосий тарафдорларидан ҳисобланади. Айни пайтда Хитой иқтисодиётининг глобаллашув жараёнлари таъсирида ўсиш суръати бу ерда олиб борилаётган демократик ислоҳотлардан анча илгарилаб кетган.

Хитой етакчи давлатлар билан муносабатларини яхшилашга интилаяпти. Яъни, Пекин бунда савдо-иқтисодий алоқаларга алоҳида эътибор қаратмоқда. Шунингдек, мамлакат турли сиёсий ташкилотларда ҳам фаол иштирок этиб келаяпти. Бу ерда у кўпинча олдиндан ишлаб чиқилган стратегияга асосланибми ёки вазият шуни тақозо этгани учунми, ҳар ҳолда, етакчилик ролига яққол даъвогар эканлигини ошкора намойиш этмаяпти. Буни мамлакатнинг ШҲТдаги иштироки, Шимолий Корея масаласи бўйича олтитомонлама музокараларда, халқаро ҳаётнинг муҳим воқеалари бўйича БМТда ўтказилаётган мунозараларда ўзининг мустақил овози билан иштирок этаётганида кузатиш мумкин.

Соҳибжон НАЗАРОВ.

Изланиш

Навоий вилоятининг Томди, Конимех, Нурота, Учқудуқ туманлари чорвадорларининг Самарқанддаги Қоракўлчилик ва чўл экологияси илмий текшириш институти олимлари билан ўрнатган ҳамкорликлари катта самара бермоқда.

Чорвадорлар билан ёнма-ён

Ҳудудда наслчилик ишларини яхшилаш бўйича беш йиллик истиқболли режа ишлаб чиқилиб, уларни амалга ошириш учун олимлар олис отарларда илмий тадқиқотлар олиб боришмоқда.

Чорвадорлар билан олимлар ҳамкорлигидаги селекция ишлари натижасида "Нурота" ширкат хўжалигида, "Зармалла", Абай номли ва "Қизилқум" наслчилик ширкат хўжаликларида Ўзбекистон кумуш сури, "Сарибел" ширкат хўжалигида сур қўйларининг "Ясси гулли" типи яратилди ва селекция ютуғи сифатида патент олинди.

Ҳамдам ЭШОНҚУЛОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Республика Кўчмас мулк биржаси — 15 ёшда!

«РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИ» ЁАЖнинг

ҳудудий филиаллари бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

I. РКМБ Хоразм вилояти филиалида 2009 йил 12 февраль куни соат 11.00да бўлиб ўтадиган аукцион савдосига такроран Хива тумани суд ижрочилари бўлими томонидан Хоразм вилояти хўжалик судининг 2008 йил 14 апрелдаги 513-сонли ижро варақасига асосан, хатланган, Хива шаҳри, Космобод қўрғонида жойлашган, «Хива агроқурилиш» МЧЖга қарашли бўлган, қурилиш ости ер майдони 409,5 кв.м.ни ташкил қилган 2 қаватли маъмурий бино қўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси — 69 479 946 сўм.

Савдога қўйилган мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризаларни қабул қилиш савдо бошланишидан бир кун олдин тўхтатилади.

Мазкур савдода қатнашиш истагидаги талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузилган закалат келишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда савдо ташкилотчиси — РКМБ Хоразм вилояти филиалининг қуйидаги ҳисоб рақамига ўтказишлари шарт: 20210000700571452056, АТИБ «Ипотека банк»и, «Тинчлик» филиали, МФО 00580, ИНН 200933850.

Манзил: Урганч шаҳри, Й. Бобожонов кўчаси, 23-уй.
Телефонлар: 8 (362) 226-32-63, 226-43-64.

II. РКМБ Сирдарё вилояти филиалида 2009 йил 12 февраль куни соат 11.00да бўлиб ўтадиган аукцион савдосига такроран, Мирзаобод тумани суд ижрочилари бўлими томонидан Сирдарё вилояти хўжалик судининг 2007 йил 4 апрелдаги 12-0707/1846-сонли суд буйруғига асосан, хатланган, Мирзаобод тумани, А. Кулбеков ҚФйда жойлашган савдо дўкони қўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси — 66 507 575 сўм.

Савдога қўйилган кўчмас мулк билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдосидан бир кун олдин тўхтатилади.

Мазкур савдода қатнашиш истагидаги талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда савдо ташкилотчиси — РКМБ Сирдарё вилояти филиалининг ТИФ Миллий банки Гулистон шаҳар филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20210000900571452054, МФО 00363, ИНН 200 933 850.

Манзил: Сирдарё вилояти, Гулистон шаҳри, 3-мавзе, «Бизнес маркази» биноси.
Телефонлар: 8 (367) 226-28-93, 226-38-91.

www.rkmb.uz

Лицензия: DB 001 № 000004. Савдоларга марҳамат!

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида 2009 йил 3 январдан 23 январгача бўлган маълумотни маълум қилади

I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:

1. «Фонд дўконларини ташкил қилиш, улар томонидан қимматли қоғозлар билан битимлар тузиш ва рўйхатга олиш тартиби тўғрисидаги низомни ўз кучини йўқотган деб топиш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкини бошқариш давлат қўмитасининг 2008 йил 23 декабрдаги 01/23-18/21-сонли қарори.*
2009 йил 4 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 278-1 (2009 йил 14 январдан кучга киради).
2. «Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудудидан олиб чиқиладиган транспорт воситаларини божхонада расмийлаштириш тартиби тўғрисида вақтинчалик йўриқномани ўз кучини йўқотган деб топиш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Давлат божхона қўмитасининг 2008 йил 19 декабрдаги 33/1315, 01-02/12-60-сонли қарори.*
2009 йил 4 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 380-1 (2009 йил 14 январдан кучга киради).
3. «Тижорат банклари томонидан кичик бизнес субъектларига бюджетдан ташқари жамғармалар ва «Микрокредитбанк» кредит линиялари ҳисобидан микрокредитлар бериш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви, Молия вазирлигининг 2008 йил 21 ноябрдаги 273-В-3, 108-сонли қарори.*
2009 йил 5 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1548-3 (2009 йил 15 январдан кучга киради).
4. «Солиқ тўловчиларга ноль даражали ставкани қўллаш натижасида ҳосил бўлган қўшилган қиймат солиғининг ортиқча суммасини қайтариш тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитасининг 2009 йил 8 январдаги 3, 2009-1-сонли қарори.*
2009 йил 15 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1807-1 (2009 йил 25 январдан кучга киради).
5. «Солиқ солиш максадида солиқ тўловчиларнинг автоматлаштирилган ҳисобини юритиш учун Банк депозиторлари Миллий ахборот базаси маълумотларидан фойдаланиш тартибига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» *Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви, Давлат солиқ қўмитасининг 2008 йил 16 декабрдаги 106-В-2, 2008-49-сонли қарори.*
2009 йил 16 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 614-2 (2009 йил 26 январдан кучга киради).
6. «Ўзбекистон Республикасининг давлат қимматли қоғозлари билан РЕПО битимларини тузиш ва ижро этиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорга ўзгартиришлар киритиш тўғрисида» *Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви 2008 йил 27 декабрдаги 30/1-сонли қарори.*
2009 йил 16 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1829-1 (2009 йил 26 январдан кучга киради).
7. «Ўзбекистон Республикаси товар-хом ашё биржаси биржа савдоларида омихта емни сотиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлигининг 2008 йил 22 декабрдаги 60, 118-сонли қарори.*
2009 йил 16 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1884 (2009 йил 26 январдан кучга киради).
8. «Тижорат банкларида қимматли қоғозлар билан амалга ошириладиган операцияларнинг бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2008 йил 19 декабрдаги 28/4-сонли қарори.*
2009 йил 19 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1885 (2009 йил 29 январдан кучга киради).
9. «Жаҳон чемпионатларида юқори натижаларга эришганлиги учун Ўзбекистон Республикаси спортчиларига бир марталик пул мукофотларини тўлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Маданият ва спорт ишлари вазирлигининг 2008 йил 31 декабрдаги 122, 12-сонли қарори.*
2009 йил 19 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1886 (2009 йил 29 январдан кучга киради).
10. «Фармацевтика ишлаб чиқариши ходимлари учун меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларини тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирининг 2008 йил 17 декабрдаги 76-сонли буйруғи.*
2009 йил 19 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1887 (2009 йил 29 январдан кучга киради).
11. «Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларида бухгалтерия ҳисоби ҳисобвараклар режасига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» *Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2008 йил 13 декабрдаги 28/3-сонли қарори.*
2009 йил 19 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 773-26 (2009 йил 29 январдан кучга киради).
12. «Қимматли қоғозлар билан операцияларни амалга ошириш ҳуқуқи учун ҳисмоний шахсларни аттестация (қайта аттестация) қилиш тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази бош директорининг 2008 йил 15 декабрдаги 2008-43-сонли буйруғи.*
2009 йил 20 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 660-2 (2009 йил 30 январдан кучга киради).
13. «Адвокатлик гувоҳномасини беришнинг вақтинчалик тартиби тўғрисида» *Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирининг 2009 йил 20 январдаги 13-мх-сонли буйруғи.*
2009 йил 20 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1888 (2009 йил 30 январдан кучга киради).

ООО "CHIRCHIQ TEPLO SYSTEM"
ИСИТИШ СУВ ҚАЙНАТИШ CHTS
ҚОЗОНЛАРИ
Хавфсиз автоматика билан таъминланган
МОДУЛЛИ ИСИТИШ БЛОКЛАРИ
Табиий газ, суюқ ва қаттиқ ёнилғи билан ишлайди
маҳсулот сертификатланган
Чирчиқ шаҳри, Кангли кўчаси, 16-«А».
Т/ф.: 8 (370 71) 5-61-73, 5-40-62, т/ф.: 5-59-87, 416-90-06.
E-mail: chts.uz@mail.ru

ООО "Росагропромснаб" предлагает:
СЧЕТЧИКИ ГАЗА
ультразвуковые "Гобой-1"
Цена - от 1 365 000 сум.

Ду, мм	Типоразмер	Мин. расход, Qмин, м³/час	Максим. расход, Qмин, м³/час
25	G10	0,16	16(25)
40	G25	0,40	40(65)
65	G65	1,00	100(160)

ОТКРЫТОЕ АКЦИОНЕРНОЕ ОБЩЕСТВО ТЕПЛОПРИБОР
На все поставляемые товары имеются сертификаты соответствия. Гарантийный срок на продукцию - 12 месяцев со дня установки. Отдельно предприятие поставляет фильтры различных диаметров.
Товар сертифицирован
Т./ф.: 273-16-40, 276-90-57, 276-97-90
Адрес: г. Ташкент, Чиланзар, кв-л Ц, д. 6 (ор-р - перекресток "Шухрат")

ОФИЦИАЛЬНЫЙ ДИСТРИБЬЮТОР
ПРЕДЛАГАЕТ СО СКЛАДА В Г. ТАШКЕНТЕ
КОТЛЫ ЧУГУННЫЕ ОТОПИТЕЛЬНЫЕ "КЧМ"
РАБОТАЮЩИЕ НА ПРИРОДНОМ ГАЗЕ, ЖИДКОМ И ТВЕРДОМ ТОПЛИВЕ, СООТВЕТСТВУЮЩИЕ РОССИЙСКИМ И ЕВРОПЕЙСКИМ СТАНДАРТАМ. КПД ОТ 79 ДО 90%
а также:
товар сертифицирован форма оплаты-любая
КАФЕЛЬ
(облицовочный и напольный)
САНТЕХНИКА
(унитазы, умывальники в большом ассортименте)
ЧУГУННЫЕ ВАННЫ, ДУШЕВЫЕ ПОДДОНЫ
Тел.: 333-71-55, факс: 281-52-04
Торговый магазин ул. Уста Ширин, 125 внутри строительного рынка № 127
zakamsk-group@mail.ru

Завод TTEMZ изготавливает и реализует:
КРАН БАШЕННЫЙ КБ-403А
предназначен для строительно-монтажных работ при возведении жилых и гражданских сборных сооружений и строительства многоэтажных зданий
- максимальная грузоподъёмность 8 т
- максимальная длина стрелы – 30 м (с кареткой)
- максимальная высота подъёма гор. – 41,5 м, наклонно – 57,5 м

АВТОКРАНЫ:
для производства монтажных и погрузочно-разгрузочных работ с обычными грузами на рассредоточенных объектах

КС-3577 НА БАЗЕ ШАССИ МАЗ
- максимальная грузоподъёмность – 14 т
- максимальная высота подъёма – 14,5 м

КС-4574-1 НА БАЗЕ ШАССИ КАМАЗ
- максимальная грузоподъёмность – 16 т
- максимальная высота подъёма – 22 м

КС-55724 НА БАЗЕ ШАССИ КАМАЗ
- максимальная грузоподъёмность – 25 т
- максимальная высота подъёма – 29 м (с гуськом)

ВОЗМОЖЕН МОНТАЖ НА ШАССИ ЗАКАЗЧИКА
Тел.: 269-15-33, 262-63-45, 187-52-05, ф. 262-39-66.
E-mail: toemz1@sarkor.uz www.ttemz-kran.uz

ЕВРО ОКНА и ДВЕРИ
ПО ИНДИВИДУАЛЬНОМУ ЗАКАЗУ И ЕВРОПЕЙСКИМ КАТАЛОГАМ ИЗ ДЕРЕВЯННОГО МАССИВА



На самый изысканный вкус
Форма оплаты – любая.
Замеры и доставка – БЕСПЛАТНО.
Тел.: 775-45-75, 262-63-45.
Факс 262-39-66.

Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси жамоаси масъул ходим Бобур Сатторович Раҳимовга волидаи муҳтарамаси

Хурсанд ая РАҲИМОВАнинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«ЎЙЛАБ КЎР, ОҒЗИНГДАН ЧИҚАРКАН НАФАС...»

Истиқлол — улуғ неъмат. Унинг нурафшон ёғдуси қалбимиз, руҳиятимизни чароғон этган бўлса, бунёдкорлик ғояси иш тутумимиз, кундалик ҳаётимизни бутунлай янгилади. Мустақиллик даврини, бугунгидек фаровон дамларни орзу қилганлар, шукрки, эндиликда юрт равнақи, Ватан ободлиги учун жон койитмоқдалар. Абдувоҳид Абдуллаев — эски замонда туғилиб, Истиқлол даврида бор куч-ғайрати, илму амали билан бошқаларга ўрнак бўлаётган замондошимиз. Аммо у киши билан гаплашиш қийин. Тўғрироғи, Абдувоҳид аканинг "тилини" топиш мушкул. Адабиётдан озгина бўлса-да, хабардор бўлмаган одам бу инсон билан тил топишмоғи даргумон. Зеро...

Зеро, уни кўрган одам, дафъатан бошқалардан ажралиб турадиган хислатини сезмайди. Ҳамсуҳбат бўлмаган киши, унинг қалбида бир дунё дард борлигини ҳам ҳис этмайди. Ҳис этиш, сезиш учун эса лоақал бир марта мулоқотда бўлган одам, яна суҳбатлашгиси, диллашгиси келаверади. У қалби эзгуликка, яхшиликка, нурга тўла одам. Айнан шу фазилатлари боис ҳурмат-эътибори жойида. Яшаши ҳам яхши — 27 гектар ери бор. Ғалла, пахта етиштириб, давлатга ҳам наф келтиради, бола-чақасининг ҳам устини бут, қорнини тўқ тутади. Лекин биз бу ўринда унинг нимадан даромад олиши-ю, қандай омиллар асосида тирикчилик қилиши хусусида сўз юритмоқчи эмасмиз. Гап Қашқадарё вилоятининг Нишон туманида яшовчи Абдувоҳид ака Абдуллаевнинг ҳеч кимникига ўхшамайдиган, ҳавас қилса арзийдиган феъл-атвори ҳақида.

Бу одамни уч-тўрт йил илгари бир кўрсатувда кўрганмиз. Ўшанда кўрсатув орқали бу инсоннинг дарду ҳасратини тинглагандик. Яқинда эса пойтахтимизда бўлиб ўтган бир нуфузли тадбир баҳонасида Абдувоҳид ака билан суҳбатлашдик. Абдувоҳид ака гапдан гап чиқиб, 24 минг мисра шеър биламан, деганида, очиғи, ишонмадик. Аммо аканинг гапсўзлари фақат ибратомуз бўлгани учун бу каломларнинг илдизи ёдда қолган мисралар ирмоғидан сув ичган бўлса ажаб эмас, деб дилдан ортиқча шубҳа-гумонларни қувдик. Кейинчалик эса у киши шеър, наинки шеър, ҳикматомуз мисралар айта бошлаганларида диққат билан тинглашдан, тан беришдан бошқа чорамиз қолмади. Абдувоҳид аканинг 24 минг мисрани биламан, дейиши тагида гап борлигини англадик. У ҳам бўлса, ёд олинган мисраларнинг барчаси ҳикматомуз сатрлардир.

Абдувоҳид акани билганларнинг айтишича, у киши ҳар қандай даврада ҳам шеър ўқийвермайди. Чунки ҳар ким ҳам, биласиз, бундай гапларни эшитавермайди. Қолаверса, унинг давраларга, аксариятидан ғийбату миш-миш аримайдиган гапгаштакларга тобу тоқати йўқ. Бироқ кекса ёшдагилар, оқу қорани таниганлар талаб қилишса, йўқ дея олмайди. Қизиғи шундаки, бўлар-бўлмас, на маъноси, на тайини бор аллақандай хонишларни эшитишга кўнгил қўйган айрим ёшлардан фарқли ўлароқ, Абдувоҳид аканинг қишлоғида ундан шеър эшитишни истовчилар кўп. Ҳазрат Навоийдан, Бобурдану Бедилдан, Машрабдану Фурқат ижодидан байтлар айтилганда, кўзларини юмиб, бошларини сарак-сарак қилиб тинглаётган ёшлар бор, десак ишонмассиз. Лекин бу айни ҳақиқат.

— Айримлар бугунги ёшлар ҳақида ҳар хил фикр билдиришади, — дейди суҳбатдошимиз. — Бундай фикрларга мутлақо қўшилмайман. Чунки мен билган ёшлар унақа эмас. Ҳаммасининг ўз фикр-мушоҳадаси, илм олишга интилиши бор. Масалан, менинг олдимга ўсмирлар кўп келади. "Амаки, таъсирли шеърлардан айтинг" дея ёнимга жойлашиб оладиганларнинг саноғи йўқ. Мен уларни яхши кўраман. Негаки, улар яхшиликка, эзгуликка интилаётган ёшлардир. Агар уларнинг қалбида ижобий хислатларга мойиллик бўлмаганида, мен айтадиган шеър уларга мавҳум туюларди.

— Бунча шеърни қандай ёдлагансиз, биров мажбурлаганми ёки...

— Э, қизиқ экансиз-ку, — деб гапимизни бўлади у киши. — Овқатни мажбурлаб едириш мумкиндир, ишни зўрлаб қилдириб бўлар, аммо шеър ёдлашда бундай йўл кетмайди. Балки ёдлатиш ҳам мумкиндир, бироқ, бундай одамнинг тўтиқушдан фарқи қолмайди, сўзни телбатескари ёдлаб, ҳаммани хуноб қилади... Болалигимда уйимизга қишлоғимизнинг кексалари, зиёлилари йиғилишиб, адабиёт, санъат ҳақида тонготар суҳбат қилишарди. Мен уларнинг пинжига кириб, мулоқотларига қулоқ тутардим. Бир-биридан таъсирчан гаплар, ўткир мушоҳадалар мени ўзига ром этарди. Айниқса, ғазал ўқилганда, ундаги гўзал мисралар онгу шууримга тез сингарди. Бора-бора бетакрор мисраларни ёдлайдиган, лозим чоғда уларни ўқийдиган бўлдим. Ҳаётимни шеърга боғладим, умримнинг ҳам гўзал ва мазмунли мисралар-дай бўлиши учун изландим, ўргандим, аммо ўқий олмадим.

— Нега?

— Шароит тўғри келмади, укаларни оёққа турғизиш, рўзғорга ёрдам бериш менинг зиммамда эди. Аммо бир лаҳза бўлсин, ҳикмат ёдлашдан тўхтаганим йўқ. Ҳалол еб-ичиш учун меҳнатдан бўйин товламадим. Омонат умрга хиёнат қилмаслик учун бировни сотмадим, ўзгаларга ёмон ният тиламадим. Яратганга шукр, бир этак кўз қорачиқларим — болаларим бор. Уларнинг тарбиясидан кўнглим тўқ. Бирортаси ғўрлигига бориб, жанжал қилса, урушмайман, сўкмайман, икки қатор шеър айтиб, мағзини чақиб бераман. Тушунишади, кейин қилғилиқларидан уялиб узр сўрашади. Уларни мурғаклигидан шунга ўргатдим. Шунинг учун бўлса керак, ҳали шу пайтгача биров уйимдан жанжал чиққанини эшитмаган, эшитмасин ҳам. Қисматимдан нолимайман, мана, мамлакатимиз мустақил бўлди, бизга ўхшаган оддий одамлар ҳам ер олди, фермер хўжалигим бор.

— Фақат фарзандларингизга шеър айтасизми?

Йўқ, албатта. Баъзан шундай бўлади: кимнингдир бошига иш тушиб, нима қиларини билмай қолади. Кимдир бораётган йўлнинг интиҳоси берк бўлади. Ҳаётида шундай мушкулотларга дуч келиб, озурда бўлганларни кўрсам, уларга умр деб аталмиш неъмат фақат бир марта берилишини, шундай экан, ҳуда-беҳудага тушкунликка тушиш ўрнига ҳаётдан ҳикмат қидириш маъқуллигини айтаман

Маънавият

Ҳамсуҳбатимиз бошидан ўтганларини, кўрган-кечирганларини гапирар экан, унинг бир воқеани эслагани диққатимизни тортди. Бир йиғинда оқсоқоллар даврасида уч-тўртта рубоий ўқиган экан, уни эшитиб турган танишларидан бири: "Э, нима қиласиз, бундай гўру қиёмат шеърларни ўқиб, ундан кўра, битта дўппини олиб, бозорда айтинг бу гапларни" дегани кўнглига оғир ботибди.

— Умрим бино бўлиб, бу қадар жаҳлим чиқмовди, — эслайди Абдувоҳид ака. — Шундоқ ўрнимдан туриб унга томон мушт ўқталган чоғим, отахонлардан бири тирсагимдан тортди. "Келиб-келиб шу билан тенглашасанми? Унинг ким экани гапидан маълум-ку! Жаҳлга эрк бериш ўрнига, ўзинг айтган ҳикматларга бўйин эг. Шунда ҳаммаси яхши бўлади" дегач, ҳовуримдан тушдим ва Муслиҳиддин Саъдий Шерозийнинг мана бу мисралари ёдимга тушди:

Ўйлаб кўр, оғзингдан
чиқаркан нафас,
Токи демасинлар:
"Қил гапингни бас!"
Тил билан ҳайвондан
ажралур инсон,
Бемаъни гапирган
ҳайвондан ёмон.

"Бу оламда сўз қадрини билмаганлар, на ўзининг, на ўзганинг қадрини билади. Бундайларга олам СЎЗдан яратилгани ҳақида гапирсанг ҳам ишонишмайди. Бу ишончсизлик иймоннинг сустлиги, виждоннинг пажмурдалиги, инсофу диёнатнинг кемтиклиги боисдир. Шунинг учун ҳеч биримизни кўнгил поклигидан айирмасин..."

Абдувоҳид аканинг бу гаплари ҳар жиҳатдан ибратли эканлиги ҳамда мақоламизнинг хулосасини-да чиқаргани боис, қўшимча қилишни ортиқча деб билдик...

Мақсуд ЖОНИХОНОВ.

НАФОСАТ ГУЛШАНИДА



Пойтахтимизнинг Юнусобод туманида жойлашган Болалар бадиий ижодиёти марказида санъат ва ижодга ошно тутинган ўғил-қизларни кўплаб учратиш мумкин. Улар тажрибали устозлар қўлида тарбия кўриб, илму ҳунар эгалламоқдалар. Энг муҳими, болалар ёшликдан ижодий меҳнатга қизиқтирилмоқда, бўш вақтдан унумли фойдаланишга одатлантирилмоқда.

Эътироф этиш жоизки, бундан икки йил муқаддам янгитдан бунёд этилиб, замонавий ва қулай шарт-шароит билан таъминланган мазкур муассаса бугунги кунда миллий қадриятларимиз давомчиларини тарбиялашга хизмат қилмоқда. Марказнинг ижодий студияларида, асосан, Меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари, махсус мактаб-интернатлар ўқувчилари, кам таъминланган оилалар фарзандлари ҳамда жисмоний имконияти чекланган ёшлар касб-ҳунар сирларини ўрганаяптилар. Бу ерда 19 йўналишдаги 30 та ижодий студияда 500 нафардан зиёд ўқувчи маҳорат сабоқларини олмоқда. Марказнинг, айниқса, кулолчилик, каштачилик, миллий либослар дизайни, тасвирий санъат ва миниатюра, ёғоч ўймакорлиги, ҳайкалтарошлик, заргарлик, компьютер графикаси сингари йўналишларига ёшларда қизиқиш кучли.

Ибрат

— Ўқувчиларимиз орасида хориж мамлакатларида ўтказилган кўргазма ва кўрик-танловларда ғолиб бўлган ёшлар ҳам бор, — дейди марказ директори ўринбосари Сергей Коночук. — Истеъдодли ўғил-қизларимиздан Нурали Бобомуродов, Беҳзод Раҳматов, Ёркиной Сапаева, Наталья Анисимова, Лейла Байкенова, Баҳодир Рихсиев, Чарос Исмоиловалар Япония, Ҳиндистон, Швейцария, Чехия, АҚШ, Туркия, Янги Зеландия, Миср Араб Республикаси сингари давлатларда бўлиб ўтган турли ижодий танловларда фахрли ўринларни эгаллаб қайтишди.

Албатта, бундай ютуқларга ўз-ўзидан эришилгани йўқ. Зеро, марказда устоз-шогирд анъанасига мувофиқ, ҳар бир боланинг қизиқиш ва интилиши билан алоҳида қизиқкан ҳолда иш олиб борилади. Негаки, бола кимнингдир қистови остида эмас, ўз хоҳиши билан машғулотларга қатнаши даркор. Бунга эришиш учун, аёнки, ҳунар ўргатувчидан юксак салоҳият талаб этилади. Шу маънода устоз ва мураббийлар дарс жараёнида эркин ижодий муҳитни шакллантириш, истеъдодли ёшларни моддий ва маънавий жиҳатдан рағбатлантириб бориш, ёшлар ижодига бағишланган турли маданий тадбирлар кўламини кенгайтиришга интилмоқдалар. Ушбу саъй-ҳаракатлар самараси ёшларнинг ижодий салоҳияти ва ҳунар ўрганишга бўлган иштиёқи мисолида ўз ифодасини топмоқда. Қолаверса, бу ерда таниқли ижодкорлар билан изчил ҳамкорлик алоқалари йўлга қўйилган. Ўзбекистон халқ рассомлари Ортиқ Файзуллаев, Шаҳноза Мўминова, уста Шарофитдин Низомов сингари таниқли ижодкорлар иштирокидаги қизиқарли учрашувлар ва махсус дарс машғулотлари мунтазам ўтказиб борилиши фикримизга мисол бўла олади.

— Либослар дизайнига қизиқаман, — дейди ўн тўрт ёшли Саодат Эргашева. — Шунинг учун каштачилик ва либос дизайни студияларига аъзо бўлганман. Ҳозирда устозларим ёрдамида кийимларга миллий нақшлардан безак бериб, янгича дизайнлар яратишга ҳаракат қиляпман. Бу ерда бизга Дилором опа Солиҳова ҳамда Нигора опа Юнусовалар чеварчиликнинг сир-асрорларини ўргатишади. Ҳар ойда ижодий кўргазмаларимиз ташкил этилади. Биз яратган буюмларга катта чевар опаларимиз баҳо беришса, тиккан ишларимизни мақташса, яна нималарга эътибор қаратиш кераклигини айтишса, янгилик яратишга қизиқишимиз ортаверади.

Муборак ОХУНОВА,
«Халқ сўзи» мухбири.

Ҳасан ПАЙДОЕВ олган суратлар.

Ўзбек фарзандининг куй-қўшиққа меҳри она алласи туфайли уйғонган бўлса, ажаб эмас. Шу сабабданми, кувончу шодумонлигимиз ҳамиша қўшиқ, мусиқа ҳамроҳлигида нишонланади, куй ва соз жўрлигида тўй-ҳашаму давраларимизга файз киради.

ЭЪЗОЗДАГИ ФАРЗАНДЛАРМИЗ

Зеро, юртимизнинг қай бир қишлоғу маҳалласига бормайлик, хонадонлар тўрида бирор миллий чолғу асбоби осиғлиқ турганига гувоҳ бўлишимиз бежиз эмас. Бу — санъатга иштиёқимиздан, демакки, кўнглимиз, ниятимиз поклигидан далолатдир.

Бизнинг оилада санъатни жуда қадрлашади. Мени дастлаб мусиқа мактабига етаклаб боришганида, хонадонимиз каттала-ри "ўғлимиз яхши инсон бўлиб улғайсин" дея орзу қилишган экан. Эсимни танигач, англадимки, ота-онам моҳир созанда бўлиб етишишим билан бирга қалбан эзгуликка ошно инсон бўлиб камол топмоғимни астойдил орзу қилган эканлар. Бугун улар умидини рўёбга чиқариш йўлида бор кучим билан интилаяпман.

Фахр

Глиэр номидаги Республика ихтисослаштирилган мусиқа академик лицейида ҳам мен каби мусиқага иштиёқманд ёшлар кўп. Бу ерда тажрибали устоз-мураббийлар биз, ўқувчиларни миллий ва замонавий мусиқа асбобларида куй ижро этиш сирсиноатларидан бохабар этиб боришяпти. Президентимизнинг "Болалар мусиқа ва санъат мактабларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада яхшилаш бўйича 2009-2014 йилларга мўлжалланган Давлат дастури тўғрисида"ги Қарори эълон қилинганида, лицейимиздаги барча мураббийлар қатори биз ёшлар ҳам бениҳоя қувондик. Янаям аниқроғи, ушбу қарор моҳиятини устозларимиз чуқурроқ изоҳлаганларидан сўнг янада теранроқ англадик. Яъни бугун мамлакатимизда иқтидорли ёшларга нафақат иқтисодий, балки имтиёзлар ҳам етарлича яратиляпти. Юртбошимиз эса бу борадаги ислоҳотларнинг бевосита ташаббускори сифатида янги мусиқа билим юртларини барпо этишга, мавжуд санъат даргоҳлари фаолиятини жонлантиришга алоҳида эътибор қаратмоқдалар.

Бунинг самараси ўзбек мусиқа санъати довруғини жаҳонга ёйётган ёш истеъдод эгаларининг муваффақиятлари мисолида яққол намоён бўляпти. Хусусан, ўтган йили Францияда бўлиб ўтган халқаро кўрик-танловнинг мусиқа йўналишида Бобур Маҳкамбоев (скрипка), Тоҳиржон Асқаров (фортепьяно) сингари тенгдошларим қаторида мен ҳам скрипка созида юқори ўринни эгалладим. Қолаверса, Дониёр Маҳкамбоев, Камола Зокирова, Дилшод Сатторов сингари бир гуруҳ ёшлар Италияда бўлиб ўтган нуфузли танловда иккинчи ўринни қўлга киритишди. Ушбу ютуқлар сабаб юртимиз байроғи баланд кўтарилар экан, биз ёшлар кўнглимизда шу юрт фарзанди эканлигимиздан фахр ҳиссини туямиз. Негаки, ҳеч бир мамлакатда ёш авлоднинг санъат, илму ҳунар ва спорт каби йўналишларда таълим-тарбия олиши учун биздагичалик беминнат ғамхўрлик кўрсатилмаслиги барчамизга аён. Мазкур ҳақиқатни англаганимиз сайин бундан-да юксакроқ, бундан-да залворлироқ ютуқлар сари интилаверамиз, эл-юрт ишончига муносиб фарзанд бўлишдек эзгу орзулардан руҳланаверамиз.

Бобур МУҲАММАДЖОНОВ,
Глиэр номидаги Республика ихтисослаштирилган мусиқа академик лицейи ўқувчиси.

ОНА ЮРТ ТАРАННУМИ

Хонандаларнинг «Қалбимда Ватан мадҳи» кўрик-танлови якунланди.

Ватан ҳақида дилни титроққа соладиган ашъор, қалбни жунбушга келтирадиган қўшиқ яратиш мушкул. Бунинг учун бетакрор истеъдоду маҳорат соҳиби бўлишнинг ўзигина кифоя эмас. Зеро, кўнгилдан янграган сўзнинг ҳам, сознинг ҳам, овознинг ҳам етар манзили — кўнгил.

Шундай бўлса-да, узоқ-яқин ўтмишимизда юрт, унинг очиққўнгил одамлари, бетакрор қадриятлари ҳақида яралган хонишу наволар бисёр. Ҳатто баъзилари асрлар оша барҳаёт, маънавий меросимиз сифатида қадрли.

Ўтган ҳафтанинг сўнгги икки кунида пойтахтимиздаги муҳташам "Туркистон" саройи саҳнаси узра Ватанни тараннум этувчи ўнлаб янги қўшиқлар янгради. Азим шаҳримиз Тошкентнинг 2200 йиллиги ҳамда Наврўз айёмига бағишлаб айтилган ушбу қўшиқлар орқали 78 нафар ҳаваскор ва профессионал хонандаларнинг иқтидор ва истеъдоди синовдан ўтди. "Қалбимда Ватан мадҳи" деб номланган кўрик-танлов иштирокчиларининг чиқишлари ҳакамлар ҳайъати томонидан тегишли мезонлар асосида баҳолаб борилди.

Истеъдод

Кўрик-танловнинг якуний — республика босқичида Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва юртимизнинг ҳар бир вилоятидан ижрочилар иштирок этишди. Танлов шартига кўра, хонандалар томонидан ижро этилган биринчи қўшиқ Наврўз айёми ёки Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигига бағишланди. Иштирокчилар миллий эстрада йўналишидаги иккинчи қўшиқни ўзлари танлаган мавзу бўйича ижро этишди. Бу жараёнда асарлар вокал-чолғу ансамбли жўрлигида ёки мусиқий фонограмма ёрдамида, жонли овозда айтилиши талаб этилди. Ниҳоят ҳакамларнинг якуний хулосалари асосида ғолиб ва совриндорлар аниқланди.

— Танлов мавзуси Ватан ҳақида, — дейди Ўзбекистон санъат арбоби, бастакор, кўрик-танлов ҳакамлар ҳайъати раиси Анор Назаров. — Ватаннинг ҳар бир хасу гиёҳидан тортиб, ажойиб гўшалари, бетакрор қадриятларигача — барчаси муқаддас, бебаҳо. Бу мавзуни қанчалик моҳирлик билан тараннум этмайлик, кўнгил тўлмайди. Шу боис, кўрик-танловда гарчи юксак савияли қўшиқлар янграган бўлса-да, улар орасидан энг юқори ўринга мос ижро ажратилмади. Бундан хулоса чиқадики, хонандаларимиз бу мавзуда яна изланишлари, янада мукаммал асарлар яратишга ҳаракат қилишлари жоиз.

Якуний натижаларга кўра, Равшан Тўхтаев (Самарқанд вилояти), Эркин Исмоилов (Бухоро вилояти) ҳамда Акмал Исроилов (Жиззах вилояти)лар иккинчи ўринга, пойтахтлик Наргиза Ёндошева, Шаҳноза Отабоева, Замира Орипова ва Муҳаббат Душановалар учинчи ўринга муносиб топилди. Шунингдек, рағбатлантирувчи ўрин соҳиблари ва совриндорлар номи ҳам маълум бўлди.

25 январь куни "Туркистон" саройида бўлиб ўтган тақдирлаш маросимида уларга "Ўзбекнаво" эстрада бирлашмасининг диплом ва пул мукофотлари ҳамда танлов ташкилотчиларининг эсдалик совғалари топширилди.

Фарруҳ БЎТАЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ШИФОКОРЛАР ТАШАББУСИ

Саратон касаллиги тиббиётнинг энг долзарб муаммоларидан бири ҳисобланади. Бутун дунё шифокорлари унинг давосини топиш тўғрисида бош қотиришмоқда.

Ҳозирги кунда бу касалликни барвақт аниқлаш беморнинг ҳаётини сақлаб қолишнинг самарали усули бўлиб турибди. Қашқадарёлик онкологлар бу соҳада шифокорларга кенг жамоатчилик яқиндан ёрдам бериши керак, деб ҳисобламоқдалар.

Саломатлик

Халқ депутатлари вилоят Кенгашининг Оила, аёллар ва ёшлар ишлари бўйича доимий комиссияси шифокорларнинг бу ташаббусини қўллаб-қувватлади. Комиссия томонидан ташкил этилган семинарда онкологлар, гинекологлар ва маҳалла фуқаролар йиғинлари раисларининг диний-маърифий масалалар бўйича маслаҳатчилари иштирок этдилар. Асосий эътибор онкологик касалликларнинг профилактикаси, диагностикаси ва даволаш билан боғлиқ муаммоларнинг ечимини топишга қаратилди. Аҳоли тураржойларида мунтазам тиббий кўрикни йўлга қўйиш, тиббиёт муассасаларини малакали онколог шифокорлар билан таъминлашнинг муҳимлиги алоҳида таъкидланди.

Б. НОРҚОБИЛОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ОБ-ҲАВО (27 январь)

Республика гидрометеорология хизмати марказининг хабар қилишича

Тошкент шаҳрида. Ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик кузатилмайди. Кечаси ва эрталаб туман тушади. Тунда 0-2, кундузи 7-9 даража илиқ бўлади.

Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида. Ёғингарчилик бўлмайди. Айрим жойларда туман тушади. Кечаси 2-7 даража совуқ, кундузи 2 даража совуқ билан 3 даража илиқ атрофида бўлади.

Бухоро ҳамда Навоий вилоятларида. Ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик кузатилмайди. Туман тушади. Тунда 0-5, кундузи 5-10 даража илиқ бўлади. Навоий вилоятининг шимолий ҳудудида кечаси 2-7 даража совуқ, кундузи 2 даража совуқ билан 3 даража илиқ ўртасида.

Самарқанд, Жиззах, Сирдарё вилоятларида. Ёғингарчилик бўлмайди. Баъзи жойларда туман тушади. Ҳарорат кечаси 0-5, кундузи 5-10 даража илиқ бўлади.

Тошкент вилоятида. Ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик кузатилмайди. Туман тушади. Кечаси 0-5, кундузи 5-10 даража илиқ бўлиши мумкин.

Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида. Ёғингарчилик бўлмайди. Айрим жойларда туман тушади. Кечаси 0-5, кундузи 8-13 даража иссиқ бўлиши кутилмоқда.

Фарғона водийсида. Ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик кузатилмайди. Туман тушади. Ҳарорат кечаси 2 даража совуқ билан 3 даража илиқ атрофида, кундузи 5-10 даража илиқ бўлади.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 57. 50806 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълонлар 236-09-25.

ISSN 2010-8788

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Жамшед Тоғаев ва Муҳаммадали Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

t -Тижорат материали

МАНЗИЛИМИЗ:
100000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.
Навбатчи муҳаррир — М. Холматова.
Навбатчи — Д. Улуғмуродов.
Мусаҳҳих — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 20.45 Топширилди — 22.15